



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА УНДАН ЎЗБЕКИСТОН АМАЛИЁТИДА ФЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Меликов Отабек Махмадаминвич -
Денов тадбиркорлик ва педагогика институти
Молия ва банк иши кафедраси ўқитувчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a3

Аннотация. Ушбу мақолада тижорат банклари фаолиятини янада такомиллаштириш, хориж тажрибаси шу жумладан: энг йирик банкларнинг молиявий кўрсаткичлари ҳамда ривожланиш стратегиялари таҳлил этилган. Хориж тажрибасини ўрганган ҳолда амалиётга жорий этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: банк, банк хизматлари, банк фаолияти, активлар, капиталлашув, трансформация, рақамлаштириш, стратегия.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ РАЗВИТИЯ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ И ВОЗМОЖНОСТИ ЕГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ В ПРАКТИКЕ УЗБЕКИСТАНА

Меликов Отабек Махмадаминвич -
Денауский институт предпринимательства и педагогики
Преподаватель кафедры финансов и банковского дела

Аннотация. В данной статье анализируются финансовые показатели и стратегии развития крупнейших банков, включая зарубежный опыт, для дальнейшего совершенствования деятельности коммерческих банков. На основе изучения зарубежного опыта разработаны предложения и рекомендации по внедрению.

Ключевые слова: банк, банковские услуги, банковское дело, активы, капитализация, трансформация, цифровизация, стратегия.

FOREIGN EXPERIENCE IN THE DEVELOPMENT OF COMMERCIAL BANKS AND OPPORTUNITIES TO USE IT IN THE PRACTICE OF UZBEKISTAN

Melikov Otabek Maxmadaminovich -
Denau Institute for Entrepreneurship and Pedagogy
Lecturer in the Department of Finance and Banking

Annotation. This article analyzes the financial performance and development strategies of the largest banks, including foreign experience, to further improve the activities of commercial banks. Suggestions and recommendations for implementation have been developed by studying foreign experience.

Key words: bank, banking services, banking activities, capitalization, transformation, digitalization, strategy.

Кириш. Тижорат банклари фаолиятини янада такомиллаштириш, банк хизматларини оммабоплигини ошириши, аҳоли ва юридик шахсларни банк хизматларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш бугунги кундаги банк тизимини олдидаги асосий мақсадидир. Банкларни янада ривожлантиришда рақамли трансформациялаш, ривожланган хорижий мамлакатлар банклар тажрибасини ўрганган ҳолда амалиётга тадбиқ этиш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш муҳимдир. Зеро Муҳтарам Президентимизнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда таъкидлаганидек “Ўзбекистон бозорида ишлашга тайёр, замонавий технологияларга эга бўлган йирик хорижий банкларнинг юртимизга кириб келиши учун кенг имкониятлар яратамиз. Бу ҳам, ўз навбатида, тадбиркорларимиз учун қулай шароитлар тақдим этади ва банк тизимида

биз учун ниҳоятда керак бўлган соғлом рақобат пайдо бўлади”[1].

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Ҳозирги шароитда банклар инновацион стратегияларни ишлаб чиқиши, ҳамда ресурс базасини кенгайтириш ва капиталлашув даражасини ошириши, IT-технологиялар асосида янги банк маҳсулотларини таклиф этиши ҳар доимгидан ҳам долзарб ҳисобланади[2].

Банк инновацион стратегияси бу – банк фаолиятининг барча соҳаларида инновацияларни яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича умумий банк ҳатти-ҳаракатларидир. Амалда у мужассамланган инновацион фаолиятнинг йўналиши, тури ва ҳажмини белгиловчи ҳаракатлар режалари стратегик ва операцион мақсадларга эришиш, мақсадли рақобатдош позицияга эришиш учун банк амалга ошириши керак бўлган фаолиятдир[3]. Бу эса ўз навбатида, стратегия ташкилотни узоқ вақт давом этадиган

рақобатдош устунликка эришишга олиб келиши мумкин бўлган реал ҳаракатлар мажмуини ўз ичига олган бизнес тушунчаси сифатида қайд этилган[4].

Мижозлар тажрибаси ва вақт ўтиши билан мижозлар эҳтиёжларини таҳлил қилиш, ўрганиш ва шу асосида ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш жуда муҳимдир. Чунки, бугунги кунда банк ва унинг мижозлари бир нечта электрон каналлар ҳамда платформалар орқали мулоқот қиладилар. Шу боис, мижозлар тажрибаси кўпроқ ижтимоий характерга эга[5].

Тадқиқотлар инновацион банк маҳсулотини бозорга чиқаришда тижорат банклари томонидан узоқ муддатли стратегияни яратилиши ва рақамли лойиҳаларда анъанавий иқтисодий жараёнларнинг рақамли муҳит билан ўзаро интеграциясининг янги усулларини ўзлаштириш орқали банк хизматларининг рақамли интерфаол моделига хос бўлган тамойилларни жорий қилиш мақбул вариант сифатида таклиф қилинмоқда. Фикримизча, банк хизматларининг рақамли интерфаол моделини жорий қилиниши тижорат банкларининг инновацион сиёсат стратегиясини янада такомиллаштиришни талаб этади[6].


Банкларни трансформация қилиш жараёнида мижозларнинг талаблари ортиб бориши муқаррар ва бу борада илғор инновацион банк хизматларини сифатли кўрсатилмаслиги натижасида банк мижозларининг ўз банкига бўлган ишончининг камайишига олиб келиши мумкин. Натижада, банк мижозлари банкларини алмаштиришга ёки бошқа банк хизматларидан фойда-

ланишга ҳаракат қилади. Шунинг учун банклар мижозларининг талабларига биноан фаолиятини трансформация қилиши, яъни банк маҳсулотлари ва хизматларини замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги банк хизматларни яратишни тақозо этади[7].

Тадқиқот методологияси. Мазкур тадқиқотда статистик жадвал ва графиклар, аналитик таққослаш, мантиқий ва таққослама таҳлил, гуруҳлаш усуллари ҳамда мавзуга оид хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқот ишларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Хорижий мамлакатлардаги энг муваффақиятли фаолият юритаётган йирик хорижий банкларнинг ривожланиш стратегияси, активларнинг ўсиши ва сифати, ликвидлилик ҳолати, капиталлашув даражаси ва бошқа банк кўрсаткичларини таҳлил қилган ҳолда амалиётда фойдаланиш учун муҳим бўлган йўналишларни белгилаб олишимиз мумкин.

FXSSI - интернет наشري давлатларнинг энг йирик банклар бўйича эълон қилган рейтингга кўра, Европа иттифоқи 34 та банк билан биринчи ўринни эгаллаган бўлса, ундан кейин Хитой 18 та, АҚШ 12 та, Япония 8 та, Франция, Буюк Британия ва Жанубий Кореялар 6 тадан, Канада, Германия ва Испания 5 тадан, Австралия ва Бразилия 4 тадан, Швеция, Нидерландия ва Сингапурлар 3 тадан, Италия ва Швейцария 2 тадан, Австрия, Белгия, Дания, Финляндия, Хиндистон, Норвегия, Россия ва Тайван давлатлари 1 тадан банк билан ўрин олган (1-расм).



1-расм. 100 та энг йирик банклар бўйича давлатлар улушининг рейтинги[7]

2021 йил 16 январ ҳолати бўйича FXSSI агентлиги маълумотларига кўра, банк жами активлари асосида энг йирик 20 та жаҳон банклари рейтинги тузилган. Ушбу рейтингда Хитой Халқ Республикасининг 4 та банклари етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Жумладан,

Industrial and Commercial Bank of China (ICBC) - унинг жами активлари 4913 млрд. АҚШ

доллари ва капиталлашуви 231 млрд. АҚШ долларига тенг бўлиб, Хитойнинг бутун банк секторининг деярли бешдан бир қисмини бошқаради. Мазкур банк 1984 йилда ташкил топган ва ҳозирда 450 мингдан ортиқ ходим ишлайди. Унда давлат улуши 70 фоизга тенг.

Agricultural Bank of China - унинг жами активлари 4008 млрд. АҚШ доллари ва капитал-

лашуви 133 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. Банк 1951 йилда қишлоқ хўжалиги, деҳқонлар ва ишчиларга молиявий ёрдам бериш учун ташкил этилган. Айни пайтда, банк Хитой ва дунёдаги тижорат молия ташкилотлари соҳасида ишончли тарзда фаолият кўрсатмоқда. У фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида бутун мамлакат бўйлаб ва чет элда 24 мингга яқин банк хизматлари марказларини ташкил этиш орқали ўз банк хизматларини дунё миқёсида таклиф этиб келмоқда.

China Construction Bank Corporation – жами активлари 3652 млрд. ва капиталлашуви 211 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. У 1954 йилда фақат ҳукумат ҳисоб-китоблари учун ташкил қилинган. Аммо, кейинчалик у муваффақиятли равишда тижорат манзилига айлантирилди. Банкнинг дунё бўйлаб 14 мингдан ортиқ филиаллари мавжуд бўлиб, уларда 345 минг ходим ишлайди.

Bank of China LTD – унинг жами активлари 3627 млрд. ва капиталлашуви 108 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. Мазкур банк Хитойдаги энг йирик, энг қадимий ва энг ишончли банклардан бири ҳисобланади. У 1912 йилда ташкил этилган ва шу кунгача банк секторида этакчи бўлиб қолмоқда. Банкнинг 70 фоиздан ортиғи Хитой ҳукуматига тегишли бўлиб, банкнинг ўзи дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатларида филиалларига эга.

Рейтингнинг бешинчи ўринини Япониянинг **Mitsubishi UFJ Financial Group** банки эгаллаган. Унинг жами активлари 3354 млрд. ва капиталлашуви 63 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. У дунёнинг 40 тадан ортиқ мамлакатларида кенгайтирилган филиаллар тармоғи орқали ўз мижозларига эга ва доимий равишда ўз хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Кейинги ўринда АҚШнинг **JPMorgan Chase** Унинг жами активлари 3246 млрд. ва капиталлашуви 423 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. Банк 2000 йилда бир нечта йирик банкларнинг бирлашиши натижасида ташкил топган бўлиб, у АҚШнинг банк секторидаги энг тез ривожланаётган ва энг нуфузли банкларидан бири ҳамда дунёдаги энг йирик инвестиция банкларидан бири, шунингдек у дунёдаги энг қиммат банклардан бири ҳисобланади.

Буюк Британиянинг **HSBC Holdings plc** банки Европа ва дунёдаги энг йирик банклардан бири бўлиб, унинг активлари 2956 млрд. АҚШ долларидан ортиқ ва бозор капиталлашуви 113 млрд. АҚШ долларига тенг. Мазкур банк дастлаб, фақат Европа ва Хитой ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар учун ташкил этилган ва шу кунгача ушбу масалаларда ҳал қилувчи омил бўлиб қолмоқда. Аммо, қўшимча равишда ушбу соҳада барча мумкин бўлган операциялар билан шуғул

ланадиган 10 дан ортиқ шўъба филиаллари мавжуд.

Франциянинг **BNP Paribas** банки молия, банк ва сугурта хизматлари бўйича Европанинг етакчи банкларидан ҳисобланади. У 1999 йилда ташкил этилган ва ҳозирги кунда Женева, Париж ва Лондонда жойлашган 3 та бош офис ва дунёнинг кўплаб давлатларида ўз филиалларига эга. У 2946 млрд. АҚШ долларига тенг активларга эга ва банкнинг капиталлашуви 68 млрд. АҚШ долларини ташкил этади.

Bank of America АҚШдаги энг йирик банк бўлиб, бутун мамлакат бўйлаб ва ундан ташқарида молиявий хизматларнинг кенг доирасини тақдим этади. У 2738 млрд. АҚШ долларилек активларга эга ва капиталлашуви 286 млрд. АҚШ долларини ташкил этади.

Дунёнинг энг йирик банклари рейтингининг биринчи ўнталигини ёпиб қўйган Франциянинг **Crédit Agricole** банки бўлиб, унинг балансида 2386 млрд. АҚШ доллари миқдоридан ортиқ активлар мавжуд ва капиталлашуви 35 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. У Франциянинг энг йирик банкларидан бири бўлиб, мамлакатнинг аксарият банк секторини муваффақиятли назорат қилади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, юқорида номлари келтириб ўтилган банклар фаолиятининг барқарор ривожланиши кенгайтириб боришининг бир қатор умумий ўхшаш жиҳатлари мавжуд. Хусусан, катта миқдорда бошланғич капиталнинг мавжудлиги, мукамал истиқболли стратегиянинг мавжудлиги, мижозлар билан реал ва ҳаққоний муносабатнинг ўрнатилиши, ишончли мижозларнинг қувлаб-қувватланиши, активларни истиқболли лойиҳаларга йўналтириш, рискларни тўғри баҳолаш, аниқ механизмлар асосида якуний қарор қабул қилиш ва бошқаларни келтириш мумкин (2-расм).

Таҳлилларга кўра, 2019 йилда Хитой иқтисодиёти циклик пасайишни бошдан кечирди, сўнгра таркибий рецессия кузатилди. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари секинлашди ва истеъмол товарлари чакана савдоси ва асосий капиталга инвестициялар умумий ўсиш суръатлари ўтган йилга нисбатан пасайди. Шунингдек, бунга Хитой ва АҚШнинг иқтисодий муносабатларининг кескинлашуви ҳам таъсир кўрсатди.

Аммо, фаолият кўрсаткичлари бўйича 6 та йирик Хитой банкларининг активлари кўлами юқори даражага кўтарилди. Жумладан, операция даромадлар барқарор равишда ошди, таъминотлар фойда олишга ижобий ҳисса қўшди, ноликвид активлар салмоғи турли даражада пасайди ва умумий рентабелликда ижобий ҳолат қайт этилди.



2-расм. Жаҳоннинг йирик банклари фаолият юритишидаги тамойиллар (тажрибалари)

Манба: Муаллифнинг тадқиқотлари асосида тузилган.

2020 йилда COVID-19 пандемияси муқаррар равишда иқтисодийга таъсир кўрсатди. Бунда банкларда ноликвид активларнинг тўсатдан кўпайиши ва кредит хатарларининг ошири кетиши кузатилди.

Халқаро таъминот занжири тизимининг пасайиши натижасида юзага келган банк тизимининг келажакдаги кредит тузилмасига ҳам таъсир қилади, аммо таъсир одатда бошқариладиган бўлади. Янги даврда турли хил ҳаракатлантирувчи омилларнинг ўзига хос интеграцияси кенг ижтимоий ва иқтисодий муҳитни ўзгартириш учун мисли кўрилмаган кучларни ишга солиши шарт ва жаҳон банк тизимининг ривожланиш мақсадлари ҳамда моделлари шунга қараб ўзгаради. Банклар кўпроқ умумий манфаатларга эътибор қаратишлари ва унинг асосий кучини тубдан мустақамлаш учун ҳозирги ривожланиш ҳолатига қараб банкнинг узоқ муддатли ривожланиш стратегияларини қайта кўриб чиқиши лозим.

Банк хизматларини ривожлантиришда хорижий мамлакатлар тажрибаларига тўхталганда, дунёнинг энг йирик банклари кўп бўлган Хитой Халқ Республикаси тажрибасига тўхталиб ўтиш жоиздир.

Тадқиқотлар шунини кўрсатадики, Хитой банкларининг бундай мавқега эришишларининг асосий сабабларидан бири сифатида шунини кўрсатиш мумкинки, Хитой банклари асосан кичик ва ўрта бизнес ҳамда аҳолининг ўз-ўзини банд қилишдаги уй хўжалиқларига молиявий хизматларни, айниқса кредит хизматларини кўрсатиш билан шуғулланган.

Мамлакатдаги хорижий инвестиция компаниялари ва йирик маҳаллий компанияларни молиялаштиришда хорижий банклардан фойдаланишган. Чет эл банклари Хитойнинг ички банк хизматлари бозорида рақобатдаги кучсизлигининг асосий сабаби улар етарли даражада маълумотларга эга эмаслигида, чунки, кўп маъ-

лумотлар базаси чет эл банклари учун ёпиб қўйилган.

Хитойда чет эл банклари камдан-кам ҳолларда кичик ва ўрта бизнес ва уй хўжалиқларига молиявий хизматларни кўрсатадилар. Оддий миждозлари учун улар асосан валюта ҳисобварақлари, халқаро тўлов хизматлари, экспорт кредитлари ва валюта кредитларини тақдим этадилар.

Шунини алоҳида таъдидлаш лозимки, Хитойнинг банкларни ривожлантириш борасидаги тажрибасида молиявий эркинлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Россия Федерациясида эса янги банк технологияларини амалга оширишда Ғарб мамлакатларининг умумий йўналишлари сингари амалиётларни кузатиш мумкин.

Масалан, миждозлар билан ўзаро муносабат тамойилларини ўзгартиришнинг босқичма-босқич жараёни туфайли бугунги кунда аксарият банк ва кредит ташкилотлари кенг қамровли хизматларни тақдим этишмоқда: масофавий хизмат, кредит карта маҳсулотлари, мобил банк хизматлари ва ҳокозалар. Шунингдек, рақобатбардошликни ошириш масофавий хизматлар даражасини яхшилайдиган видеоалоқадан фойдаланишни ва мавжуд хизматлар рўйхати кенгайтириш билан бундай тизимларнинг янада ривожланишини таъминлайди.

Аксарият банкларда самарали тижорат ечимларини ишлаб чиқиш кредит ва валюта бозоридаги жаҳон иштирокчиларининг тажрибаси асосида амалга оширилади. Россияда янги банк технологияларини жорий этишда ўзининг таҳлилий бўлимлари ва Ғарб тижорат мутахассислари томонидан таклиф қилинган самарали молиявий моделларни яратиш ва ечимларни мослаштиришга қодир малакали ходимларнинг етишмаслиги тўсқинлик қилмоқда[8].

Бу борада Европа, хусусан Буюк Британиянинг имкониятлари кўпроқ ва тажрибаси ҳам кенгроқ ҳисобланади. Дунёнинг ривожланган


давлатларига нисбатан Буюк Британияда банкларни рақамлаштириш олдинроқ ва кучлироқ амалга оширилган. Жумладан, Barclays bank, National Westminster bank (NatWest), Royal bank of Scotland, Lloyds bank, Revolut bank.

Ушбу банкларда банк фаолиятини рақамлаштириш, ноликвид активларни ликвидли активларга айлантириш, капиталлашув ва рақобат устунлигига эришишнинг умумий ўхшашлиги мавжуд.

Улар ўз фаолиятини рақамлаштириш асосида бир неча юзлаб филиалларини ёпишган, филиал биноларини сотиш орқали капиталлашувни ошириш ва ноликвид активлардан вос кечиб, ликвидли активлар ҳажмини ошириш ва

ходимлар сонини қисқартириш эвазига тежаландиган иш ҳақи харажатлари ҳисобига кредит фоизларини камайтириш асосида рақобат устунлигига эришган[9]. Натижада банк фаолияти кенгайиб, рентабеллик даражаси ўсишига олиб келган.

Банк тизими ахборот технологиялар таъсири остида жуда муҳим ўзгаришларга юз тутмоқда. Ахборот технологиялари илгари автоматлаштириш учун фойдаланилган бўлса, бугунги кунга келиб янги банк бизнес моделларини яратмоқда. Банк хизматларини рақамли трансформациялаш орқали банкларнинг халқаро бозорда тез фурсатда кўп сонли миқозларни жалб этишда жуда катта имкониятлар яратади.




3-расм. АҚШда рақамли банк фойдаланувчилар сони (млн. нафар)

Манба: Global No.1 Business Data Platform интернет нашри маълумотлари.

Таҳлилларга кўра, АҚШда рақамли банк хизматларидан фойдаланувчилар сони 2019 йилда 2014 йилга нисбатан 28,1 млн. кишидан ортганлиги ва йилдан-йилга рақамли банк хиз-

матларидан фойдаланиш даражаси ўсиб бориб, уларнинг сони 161,6 млн. нафарни ташкил этган (3-расм).



4-расм. АҚШда мобил банк хизматларидан фойдаланувчиларнинг ёш бўйича таркиби, 2019 йил ҳолатига (фоизда)

Манба: Global No.1 Business Data Platform интернет нашри маълумотлари.


АҚШда аҳолининг мобил банк хизматларидан фойдаланувчиларнинг асосий қисмини,

яъни 92,8 фоизини 22-37 ёшдагилар ташкил этади. Бунинг асосий сабаби бўлиб, ёшларнинг

ахборот технологияларидаги янгиликларни тез ўзлаштириши, интернет ва ижтимоий тармоқлардан кенг фойдаланиши ҳисобланади. Ёшларнинг улғайиши, интернет ва ижтимоий тармоқларнинг жадаллик билан ривожланиши жами мобил хизматлардан фойдаланувчилар даражасини йилдан-йилга ошишига олиб келади (4-расм).

Замонавий IT технологиялардан кенг фойдаланиш орқали, шу жумладан сунъий интеллект, булутли технологиялар ва автоматизация билан ўз дастурларини модернизация қилиш орқали банк маҳсулотларини, хизматларини ва функционалигини жадал ривожлантиришлари мумкин. Бу мижозлар тажрибасини яхшилашга, ишонч ва садоқатни чуқурлаштиришга ёрдам беради.

Албатта, банк тизимида рақамли технологиялардан фойдаланиш ва ўзига хос банк технологияларини яратиш ҳамда улар асосида инновацион рақамли банк хизматларини тақдим этиш кўп жиҳатдан банк бошқарув стратегиясига боғлиқ. Фикримизча, банклар фаолиятини барқарорлаштириш ва мижозларга фойдали ҳамда қулай имкониятларни яратишда нафақат замонавий рақамли технологиялар, балки, банк бошқарув ва бошқа ходимларининг касбий, илмий ва инновацион салоҳияти, молиявий имкониятлар ва улардан мақсадли фойдаланиш даражаси, халқаро тажрибаларни ўрганиш, мижозлар эҳтиёжлари ва банк хизматлари бозоридаги ноанъанавий банк хизматларига бўлган талабларни чуқур таҳлил этган ҳолда бошқарув стратегиясини ишлаб чиқишни талаб этади (5-расм).



5-расм. Банклар хизматларини такомиллаштиришнинг тизимли механизми

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Шунингдек, банк маҳсулотлари ва хизматлари диверсификациялашнинг амалда реал ташкил этиш, доимий банк технологияларининг такомиллаштириб бориш ва соддалаштириш лозим. Аммо, яна бир омил борки, буни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик шарт. Бу мижозларнинг инновацион (рақамли) банк хизматларини ўзлаштириши ва улардан фойдаланиш қобилиятлари бўлиб, айнан шу жиҳатдан давлатлар, минтақалар бўйича банк хизматларининг ривожланиш тезлиги бир-биридан фарқ қилади.

Умуман олганда ривожланган мамлакатларнинг йирик банклари томонидан амалга оширилаётган банкни ривожлантириш стратегиялари ва амалга оширилаётган йўлларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш асосида банк хизматларини ривожлантириш бўйича қуйидаги халқаро тажрибалар ва уларни Ўзбекистонда қўллаш йўлларини таклиф этамиз (1-жадвал).

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банкларини ривожлантириш бўйича жаҳон тажрибаси

умумий ҳолатда банкларнинг ликвидлик даражасини яхшилаш ва банк маҳсулотларини доимий такомиллаштириш ҳамда ишончли мижозларнинг яқин бизнес ҳамкорига айланиш каби тамойилларга асосланган. Хусусан, АҚШ ва Европа мамлакатларида кичик банк муассасаларидан йирик банкларга ўтиш ва юқори ликвидли активлар ҳажмини ошириш орқали рентабелликни ошириш, Хитойда эса ликвидлик даражаси юқори бўлган кичик бизнесни маҳаллий банклар ва узоқ муддатли лойиҳаларни хорижий капиталлар билан молиялаштириш асосида маҳаллий банкларнинг ривожланиши шарт-шароит яратилади. Шунингдек, Японияда банклар шунчаки молиявий муассаса эмас, балки, банк мижозларининг бизнес ҳамкорига айланадилар. Англия банкларида эса банк фаолиятини рақамлаштириш, ноликвид активларни ликвидли активлар айлантириш ва харажатларни минималлаштириш каби йўналишларга эътибор қаратилади.

**Банк хизматларини ривожлантириш бўйича халқаро тажрибалар ва уларни
Ўзбекистонда қўллаш йўллари**

№	Халқаро тажрибалар	Ўзбекистонда қўллаш усуллари
1	Европа ва АҚШ тажрибаси – бир неча банкларни (суғурта компаниялари) бирлаштириш асосида йирик банкларни ташкил этиш, ликвидли активлар ҳажмини ошириш орқали рентабелликни оширишга қаратилган.	Банклар ликвидлигини ошириш мақсадида банкларни хусусийлаштириш, лозим бўлса, чет эл инвестициялари ҳисобига банк капиталлашувини ошириш лозим.
2	Хитой тажрибаси – маҳаллий банклар активларининг ликвидлик даражасини ошириш мақсадида асосан кичик ва ўрта бизнесни молиялаштириб, чакана банк хизматларини кўрсатади. Узоқ муддатли йирик лойиҳалар эса асосан чет эл банклари орқали молиялаштирилади.	Кичик ва ўрта бизнесни молиялаштириш ва чакана банк хизматларини кўрсатишда маҳаллий банклардан кенг фойдаланиш ҳамда йирик лойиҳаларни молиялаштиришда чет эл инвесторлари ва банкларидан фойдаланиш.
3	Япония тажрибаси – капиталлашув даражаси паст бўлган корхоналарни молиялаштиришда банк капитали иштирокини кенгайтириш ва маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида корхона молиявий бошқарувида молиялаштирувчи банк иштирокини таъминлашга асосланган.	Банк томонидан молиялаштирилган корхоналарда маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишда молиялаштирувчи банк томонидан қўмаклаш.
4	Россия тажрибаси – Ғарб тажрибаси асосида молиявий моделлар яратиш, мижозлар билан ўзаро муносабат тамойилларини босқичма - босқич ўзгартириш асосида мижозлар ишончи ва сонини ошириш орқали банк фаолиятини кенгайтиришни ифодалайди.	Аҳолига банк маҳсулотлари ва хизматларини очиқ ва реал тарғиб қилиш орқали саводхонлигини ошириш, мижозлар билан муносабатларни янги босқичга олиб чиқиш, халқаро тажрибалардан кенг фойдаланиш.
5	Англия тажрибаси – банк фаолиятини рақамлаштириш, ноликвид активларни (филиал бинолари) ликвидли активлар айлантириш, ходимлар сонини қисқартириш эвазига тежаладиган иш ҳақи харажатлари ҳисобига кредит фоизларини камайтириш асосида рақобат устунлигига эришиш кабилар.	Ортиқча дабдабали филиал биноларидан воз кечиш, рақамли технологиялар асосида меҳнат жараёнларини оптималлаштириш лозим.

Манба: Илмий манба ва банклар фаолиятини таҳлил қилиш асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Умуман олганда, банкларни ривожлантириш бўйича юқорида келтирилган хориж тажрибаларини мамлакатимиз тижорат банкларида айримларини тўғридан-тўғри ва айримларини маълум даражада амалда қўллаш мумкин. Аммо, бизнингча аввало, аҳолининг банк муассасаси тўғрисидаги қарашларини ижобий тарафга ўзгартириш, яъни банк бу – “давлат” (умумхалқ ғазнаси) эмас, балки, бизнесда молиявий ҳамкор сифатида қараш лозим. Шунингдек, аҳолининг

“тўлов маданияти”ни ривожлантириш лозим. Шундагина банкларнинг ликвидлик даражасини яхшилаш мумкин. Албатта, бу бир томонлама ёндошув, иккинчи томондан эса банк муассасаларида рискни тўғри баҳолаш амалиётини такомиллаштириш, кредитлашда (хусусан, савдо кредитларида) гаров (мулк)га эмас, балким, корхонанинг пул-товар айланмасини ҳисобга олиш лозим.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи. 20.08.2021 йил
2. А.Азларова. Коронавирус пандемиясига қарши курашда банк тизимининг ўрни // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” Илмий электрон журнали, махсус сон № 2/1, март-апрель, 2020 йил.
3. Подложенов Илья Михайлович Инновационные стратегии зарубежных банков // Модели, системы, сети в экономике, технике, природе и обществе. 2011. №1. с-106.
4. Шевлякова Анна А. Особенности реализации стратегии развития в банковской сфере // Вестник Кемеровского государственного университета. Серия: Политические, социологические и экономические науки. 2019. №2 (12). с-271.
5. А.Гулямова. Банк тизимининг рақамли трансформацияси жараёнида рақамли экотизим. // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №2, апрель, 2021 йил.
6. Тожиев Р.Р., Раҳматов Т.С. Замоновий шароитда банк хизматлар бозорининг назарий жиҳатлари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябр-декабр, 2020 йил.
7. <https://fxssi.com>
8. <https://www.sravni.ru/enciklopediya/info/bankovskie-tehnologii/>
9. Мартыненко Н.Н., Маркова О.М., Рудакова О.С., Сергеева Н.В. Банковское дело в часть 2. Учебник для акад. бак. –М.: Юрайт, 2018. -200 с.